



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 7 апрель, № 67 (4982)

Чоршанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 6 апрель куни Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони Дэвид Петреусни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги бугунги муносабатлар мустаҳкам ва барқарор эканини, ушбу муносабатларни истиқболда конструктив ва мағаллашчи янада ривожлантириш

имкониятлари мавжудлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ва АҚШ Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришда, бу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклашда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатимиз Афғонистонга электр энергияси, қурилиш мате-

риаллари ва озиқ-овқат таъминотида амалий ёрдам кўрсатмоқда, транспорт инфратузилмасини барпо этиш ва йўлга қўйишда иштирок этмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Дэвид Петреус самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб,


АҚШ маъмурияти икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини, шунингдек, Ўзбекистон раҳбарининг қўшни Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги ташаббуслари муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

Сервар ҲУМОНОВ олган сурат.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан депутатлар, вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилди.

ҚОНУН ВА ИЖРО УЙҒУНЛИГИ

Йиғилишда Ҳисоб палатасининг иш дастури мамлакатимизда 2009—2012 йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини юмшатиш ва бартараф этиш бўйича қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури амалга ошириш, таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва иқтисодий диверсификациялаш, мамлакатни модернизация қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни янада ривожлантириш ҳамда банклар фаолиятини такомиллаштириш каби вазифалардан келиб чиққанлиги таъкидлаб ўтилди.

нинг ижроси ва маблағларининг сарфланиши устидан назоратни ташкил қилиш ва таъминлаш, бюджет харажатларини камайтириш ва оптималлаштириш заҳираларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш юзасидан қўрилган чора-тадбирларнинг чуқур таҳлил этилганлиги таъкидланди.

Йиғилишда назорат тадбирлари якуни бўйича Ҳисоб палатаси томонидан юборилган кўрсатмалар ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, "Ўзсаноатқурилишбанк" очик акциядорлик тижорат банки, Навоий ва Тошкент вилоятлари раҳбар ходимларининг ахборотлари тингланди.

Ҳисоб палатаси бир қатор вазирлик ва идораларда Давлат бюджетни маблағларининг қонуний, мақсадли ва самарали сарфланиши устидан белгиланган тартибда назорат ўрнатган. Жумладан, мажлисда Навоий ва Тошкент вилоятларида маҳаллий бюджетлар-

Кизгин баҳс-мунозара шаклида ўтган бу тадбирда ютуқлар билан бирга, хато-камчиликлар ҳам рўй-рост айтилди ва уларни бартараф этишнинг оптимал йўллари изланди.

(Давоми 2-бетда).

Кейинги йилларда қишлоқ жойларда спортни ривожлантириш, болалар ва ёшлар ўртасида уни оммалаштиришга катта эътибор қаратиляпти. Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган "Қишлоқ жойлардаги болалар спорт объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини бу борадаги яна бир ғамхўрлик ифодаси, деб биламиз.

ФАРЗАНДАР КАМОЛИ — БИЗНИНГ БАХТИМИЗ

Қишлоқ қизларини спортга жалб этиш, уларнинг йирик мусобақаларда иштирокини таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Машғулотлар ўтказилган спорт мажмуасининг жойлашуви ва ундаги жиҳозлардан тортиб, устозга бўлган ишонч, ота-онанинг муносабати ва маҳалла-

настрада фестивалларида муваффақиятли иштирок этдик. Пардаҳол Мўминова, Зайнаб Ҳорова сингари қизларимиз фестивалнинг нуфузли номинациялари бўйича голиб бўлишди.

Тўғарагимизга узок-яқин қишлоқдаги қиз-лоқларнинг ҳам қизиқиши ортмоқда. Умуман, қизларимизнинг спорт-

Дил сўзи

га меҳрини кўлаб-қувватлаши — хамма-хаммаси мутаносиб келгандагина, бу борада ижобий натижага эришиш мумкин. Биз тумандаги 18-умумтаълим мактабида ташкил этилган бадий гимнастикачилар тўғрагида ана шу мутаносибликни шакллантира олдик. Тўғарак 2002 йилда очилган. Унинг ўттиздан зиёд доимий иштирокчилари бор. Ҳар бир машғулотни юзлаб қишлоқ қизлари томоша қилишга келишади. Шунингдек, "Меҳнат-обод" қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари, кайвони аёлларимиз, оқсоқоллар фаолиятимиздан бохабар бўлиб, лозим топилганда, беминнат ёрдам кўрсатишади. Шу бақамтилик самараси ўлароқ, залимизни замонавий қилиб жиҳозладик. Машғулотлар савиясини ошириб бориб, Республика Гим-

настрада фестивалларида муваффақиятли иштирок этдик. Пардаҳол Мўминова, Зайнаб Ҳорова сингари қизларимиз фестивалнинг нуфузли номинациялари бўйича голиб бўлишди.

Тўғарагимизга узок-яқин қишлоқдаги қиз-лоқларнинг ҳам қизиқиши ортмоқда. Умуман, қизларимизнинг спорт-борлигидан фахрланаман. Ўтган йили Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган мусобақаларда туманимиздан 7 нафар вакил иштирок этди. Уларнинг аксарияти қиз болалардир.

Шогирдларимни фарзандларимдек яхши кўраман. Талабчанлигимни улар меҳрибонлик сифатида қабул қилишади. Бу мени янада қувонтиради. Юртбошимизнинг камтарона меҳнатимизни янада рағбатлантириш ҳақидаги қарорини Баркамол авлод йилида қишлоқ қизларининг ҳар жиҳатдан камол топшига йўналтирилган ҳаракат, деб биламан. Бу эса бизни янада самаралироқ ишлашга ундайди.

Саодат АННАМАТОВА,
Қизирқ туманидаги
18-умумтаълим мактаби
спорт-гимнастика тўғраги
раҳбари.

ЧОРАК ЯКУНЛАРИГА БАФИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2010 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришди" маърузасида белгиланган вазифаларнинг

Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда бажарилиши, тармоқда инвестициявий лойиҳалар, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, модернизация қилиш, экспортбоп маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш ва

ҳажмларини кўпайтириш, инновацион лойиҳаларнинг ижроси, янги технологияларни яратиш борасида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар томонидан жами 616,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, хизматлар кўрсатилди ва бу борадаги ўсиш суръати ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 19,4 фоизни ташкил этди. Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар 286,9 миллиард сўмни ташкил этди. 48 миллион АҚШ долларлик хориж инвестицияси жалб қилиниб, инвестиция дастури ортиғи билан бажа-

рилди, экспорт прогнози кўрсаткичлари 124,2 фоиздан ошди.

Йиғилишда, шунингдек, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг жорий этиш ва ривожлантириш, яратилган ахборот тизимларининг интеграциялашган тармоғини яратиш ва электрон ҳужжат алмасуви жорий этилишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда ҳужжатлар билан ишлашни такомиллаштириш, ижро интиминоми мустаҳкамлаш, бу борада раҳбарлар ва мутахассисларнинг шахсий масъулиятини ошириш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан тегишли топшириқлар берилди ҳамда қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

ЭЛ-ЮРТГА САДОҚАТ ИЗҲОРИ

Қарши шаҳридаги ҳарбий қисмда аскарларнинг тантанали қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Жануби-Ғарбий махсус ҳарбий округи қўмондонлиги штабининг офицерлари, ота-оналар, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислам Каримов раҳнамолигида замонавий, ихчам ва профессионал армияни

Ватан ҳимояси - муқаддас бурч

шакллантириш йўлида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Айни мақсадда ҳарбий хизматга қақрилувчиларни тиббий

кўриқдан ўтказиш, аскарликка ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрган, салоҳиятли ёшларни саралаб олиш тизими шакллантирилди. Бугунга келиб Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш ёшларимиз учун чинакам шон-шараф ишига айланди. Эгнига ҳарбий либос кийган,

(Давоми 2-бетда).

ЭЪЗОЗ, ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

Бугунги кунда умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг ўртача иш ҳақи 2004 йилдагига нисбатан

4,1 баробарга ошди.

Бунинг муҳим сабаблари шуки, истиқлол даврида Президентимиз раҳнамолигида таълим-тарбия соҳасига катта эътибор қаратилиб, шу соҳа заҳматқашлари — ўқитувчилар ва мураббийларнинг олий мақсад — баркамол янги авлодни вояга етказиш йўлидаги фидокорона хизматлари давлат миқёсида юксак даражада эъзозланмоқда.



(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

ҚОНУН ВА ИЖРО УЙҒУНЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Муҳокамалар чоғида Ҳисоб палатаси аниқлаган камчиликларни бартараф этиш борасида вазирилик, идора ва маҳаллий ҳокимликлар принципиал ёндашмаганликлари, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда хато-ларга йўл қўйилганлиги, айниқса, маҳаллий бюджетлар ижросини таъминлашда маъмулотиришнинг мавжудлиги депутатлар томонидан алоҳида қайд этилди. Мамлакатимизда банк тизимининг барқарор ишлаши учун қулай имкониятлар яратилган. Аммо Ҳисоб палатаси маълумотларига кўра, ОАТБ "Ўзсанотқурилишбанк" фаолиятида ҳам инвестицион муҳит ва мижозларнинг тўлов интизомига дахлдор қатор хато-камчиликлар мавжуд. Энг ачинарлиси, аниқланган мав-

жуд камчиликларни бартараф этиш бўйича банк Кенгаши бу масалага юзаки ёндашган. Йиғилишда бундай ҳолатларга тўла барҳам бериш лозимлиги талаб этилди.

Гарчанд мамлакатимизда халқаро андозалар талабларига жавоб берадиган ҳуқуқий асослар яратилганлигига қарамастан, хусусийлаштириш соҳасида ҳам қонуний ҳолатлари учраб турибди. Хусусан, тадбирда акциядорлик жамиятлари фаолиятида акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, дивидендларни тақсимлаш масалаларида ҳам ечимини кутаётган муаммолар аниқланаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси ўринбосари Қаҳрамон Акмалов шундай деди: — Биз ўтказган назорат исзис,

бесамаёт кетмади. Жорий ҳисобот йилида эса қўшимча даромад манбаларини топиш ва ноқонуний сарфланган маблағларни қайтариш орқали юқорида номини тилга олинган манбалар ҳисобидаги жами 37 млрд. 300 миллион сўм тикланди.

— Назоратнинг бундай қатъийлигини мен қўллаб-қувватлайман, — дея ўз фикрини баён этди "Адоллат" СДП фракцияси аъзоси Зухра Ботирова. — Бу усул яхши самара бериши, табиий. Аммо биз бир нарса билан мурося қила олмаيمиз. Хўш, текширилган идора ёки ташкилот жойлашган ҳокимият органлари қарор қарашди? Нега текширув натижалари кўйи бўғинларда муҳокама этилмади? Бармоқлар жипслашгандагина мушт-палатаси раиси ўринбосари Қаҳрамон Акмалов шундай деди: — Биз ўтказган назорат исзис,

— Энг аввало, Ҳисоб палатаси фаолиятининг таъсирчанлигини кучайтириш, яъни унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда амалий-таъсирчан механизмларни ишлаб чиқиш лозим, — дейди Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламентдаги фракцияси аъзоси Насимжон Алимов тадбирда кўтарилган масалалар юзасидан ўз мулоҳазаларини билдира туриб. — Ушбу соҳадаги муносабатларнинг тартибга солуви қонун нормаларида бюджет маблағларидан нотўғри фойдаланганлик учун жазо ва жазо чораларини (санкцияларини) кучайтириш керак. Қолаверса, жойларда вазирилик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижро интизоми ҳам горизонтал, ҳам вертикал тарзда кучайтириш, ижро механизмларини та-

комиллаштириш, ушбу соҳага дахлдор барча кадрларнинг маъмулияти ва жавобгарлигини янада ошириш, ўзаро назорат ишини тизимли равишда йўлга қўйиш талаб этилади.

Қонун барчага баробар. Қонун талабларига амал қилиш, уни ҳаётимизнинг асл мезони сифатида қадрлаш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Зеро, бу бурч бизни, йиғилишда таъкидланганидек, ҳақон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг салбий таъсирини камайтириш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган чора-тадбирларини амалга ошириш, қатъий молиявий интизом юритиш, иқтисодий ўсиш суръатларини ва иқтисодийнинг барқарор ривожланишини таъминлаш борасидаги устувор вазибаларни бажариш сари ундаши, табиий.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Алишер БОЛИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН — ВЬЕТНАМ БИЗНЕС-ФОРУМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вьетнамлик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция жалб этишнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимиздаги кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодийликда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида яратилган имкониятлар билан танишдилар.

Чой, ҳава ва гуруч каби истеъмол товарлари етиштириш бўйича дунёда етакчи ўрнида турадиган Вьетнам Ўзбекистоннинг Осие-Тинч океани минтақасидаги ишончли ҳамкорларидандир. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар иқтисодий, савдо, сармоя, фан-таълим, маданият, авиатасириш ва сайёҳлик каби соҳаларга оид давлатлараро, ҳуқуқматлабларо ва идораларо даражадаги кўп-қўл ҳужжатларга асосланади.

Савдо алоқалари борасида мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қўламли яратиш тартиби жорий қилинган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми йил сайин ортаб бормоқда. Юртимизда вьетнамлик шериклар билан ҳамкорликда тузилган ўн та қўшма корхона фаолият юритмоқда. Улар савдо, озиқ-овқат ва ипакчилик соҳаларига иxtисослашган.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганидан жуда мамнунимиз, — деди Хоанг Чунг Хай.

— Ушбу форумда Вьетнамнинг кўплаб етакчи фирми ва компанияларидан вакиллар иштирок этаётган мамлакатимиз ишбилармонларининг Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қизиқиши ортаб бораётганидан далолатдир. Мамлакатларимиз ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш борасида кенг имкониятларга эга. Ўзбекистон ишбилармонлари билан икки томон учун ҳам манfaatли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ниятидамиз.

Анжуманда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, жумладан, ёқилга-энергетика, банк-молия, машинасозлик, тоғ-кон металлургияси ва ахборот технологиялари каби соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришга, Вьетнам компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофида муҳокама қилинди. Бунда Ўзбекистон ва Вьетнам ишбилармонлари ўртасидаги бевосита ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Вьетнам ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

Вьетнам делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирилик ва идораларида бўлиб, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокаралар олиб бордилар.

Мадина УМАРОВА, ЎЗА мухбири.

БАНДЛИК ДАСТУРИ — АМАЛДА

Худудни иқтисодий ривожлантириш бўйича мақсадли дастурлар Наманган вилоятининг барча туманлари, шу жумладан, Чортоқ туманида ҳам изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, иқтисодий ён ҳар томонлама юксалтириш мақсадида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга қўйиш орқали янгидан-янги иш ўринлари яратилмоқда. Утган йилнинг ўзида тўрт ярим мингга яқин фуқаронинг иқтисодий фойдали меҳнатга жалб этилгани шундан далолат беради.

Гап шундаки, туман Бандликка кўмаклашувчи маркази бу ерда фаолият кўрсатаётган корхоналар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган бўлиб, ўзаро келишувга асосан, уларнинг ҳар бири муайян квоталанган меҳнат ўринларини саклаб туради. Масалан, 2009 йил бошида ўндан ортиқ хўжалик юритувчи субъект 346 та иш жойини тақлиф этган эди. Ариза билан мурожаат этган фуқароларнинг асосий қисми, мутахассислиги, қобилияти ва истагига қараб, ана шу жойларга жўнатилади.

тироқи тобора кенгайиб бораётгани, айниқса, қувонарликдир. Жумладан, "Бунёдкор" хусусий фирмаси 20 нафар қурувчи ва мутахассисни жалб этиб, ўтган йили 142,6 миллион сўмлик ҳажмда бинокорлик юмушларини рўёбга чиқарди. М. Қозоқов, Х. Абдуллаев, С. Банноев сингари хусусий тадбиркорларнинг ҳар бири эса 5-6 нафар ҳамқишлоқларига иш бериб, салкин ичимликлар, қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлашни қўлаштиради. Шу билан бирга, Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги "Йирик sanoat корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ижроси ҳам аҳолининг бир қисмини иқтисодий фойдали меҳнатга жалб этиш имконини бермоқда. Бугунги кунда юзлаб фуқаролар ўз хоҳишларида дарадгорлик устаси ва ишчи бўлиб ишлаб чиқариш воситасида бандликнинг мазкур йўналишида фаолият кўрсатаётгани бунинг тасдиғидир. Бошқача айтганда, яқунланган йилда тумандаги 45 та корхона ва ташкилотда касаначилик асосида 310 киши ишга жалб этилди. Уларга меҳнат дафтарчаси очилган бўлиб, ҳар бири барча имтиёз ва имкониятлардан фойдаланмоқда.

Дарҳақиқат, ишлайман, деган кишига бугун иш топилди. Чунки марказнинг 2010 йилга мўлжалланган махсус дастурида янги ишлаб чиқариш объектиларини барпо этиш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватини ошириш, касаначилик, уй меҳнати ва бошқа имкониятлардан кенг фойдаланиш ҳисобига 4368 та янги иш жойини яратиш кўзда тутилган. Айни пайтда ушбу йўналишда амалий ишлар олиб борилмоқда.

Кудратилла НАХМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Битирувчилар учун иш ўринлари

Янгиер шаҳар Бандликка кўмаклашувчи маркази ташаббуси билан иxtисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Мазкур тадбирга иш билан банд бўлмаган фуқаролар ва касб-хунар коллежларининг битирувчи курсларида таҳсил олаётган ўқувчилар тақлиф қилинди. Ярмаркада шаҳардаги 24 та ташкилот ва корхона ўзлариди 125 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Тадбир якунида 55 кишига ишга жойлаштириш учун йўланмалар берилди ҳамда 6 киши ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишларига жалб қилинди. Шунингдек, коллеж битирувчилари ўзларига мақбул бўлган корхоналар билан амалиёт ўташ учун уч томонлама шартномалар имзолашди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

кўзларида гайрат-шижоат чакнаб турган фарзандининг аждодларимизга муносиб ворис бўлишга, шу муқаддас заминни кўз қорачиқидек асраб-авайлашга ваъда бериб, қасамёд қабул қилаётганидан ота-оналарнинг қувончи чексиз.

— Бугун ўғлим ўз сафдошлари қаторида ҳарбий қасамёд қабул қилди, —

ЭЛ-ЮРТГА САДОҚАТ ИЗҲОРИ

дейди Тошкент шаҳридан Кўпайсин Исмолова. — Бундан қалбим фахр ва гурурга тўлди. Ўғлонларимизнинг ўз қасамёдларида содиқ қолишига, ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб, ишончимизни оклашига ишонамиз.

Тадбирда аскарлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида

сидқидилдан хизмат қилиб, ўз Ватани ва халқига доимо содиқ бўлишга қасамёд қилдилар. Тантанали қасамёд қабул қилган ўғлонларга ҳарбий гувоҳнома топширилди.

— Спортнинг дзюдо тури билан шуғулланаман, — дейди оддий аскар Артём Горохов. — Ҳарбий хизмат давоми-

да жисмоний тайёргарлигимни янада ошириб, замонавий ҳарбий техникаларни бошқаришни кунт билан ўрганмоқчиман. Максадим — келгусида ҳарбий соҳада ишлаб, эл-юрт осовийшатиғи йўлида хизмат қилиш.

А. МУҲАММАДИЕВ, ЎЗА мухбири.

«ЗАЙТУНЗОР» КЎЧАТЛАРИ БОҒЛАРИМИЗГА ФАЙЗ КИРИТМОҚДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар, хусусан, фермер хўжалиқларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалиги соҳасида муайян ютуқларга эришилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда 80 мингдан зиёд фермер хўжалиқлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 25 мингдан ортиги боғдорчилик ва узумчиликка иxtисослашган. Шўрчи туманидаги «Зайтунзор» фермер хўжалиги ушбу соҳадаги илгор жамоалардан бири ҳисобланади.

Мазкур боғдорчилик фермер хўжалиги 2005 йилда ташкил этилган. Эътиборлиси, бу ерда мева етиштириш билан чегараланиб қолинмай, мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари етиштириш ҳам йўлга қўйилган. Шу кунгача Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва бошқа вилоятларга 6 мингдан



Интилиш. Айни пайтда хўжалигимиз тасарруфида 400 гектар ер майдони бор, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Ҳайдар Маҳмудов. — Шунинг 20 гектариди зайтунзор, 10 гектариди тоқор, 3 гектариди бодомзор барпо этганмиз. Қолган ерда қўчат

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида хусусий мулкдорлар ҳақида фикр билдирар экан, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, пировардида кенг тармоқли бозор инфратузилмасини барпо этиш юзасидан қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ: ЮКСАЛИШ САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАР

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида мулкчиликнинг бу шаклини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунга Қашқадарё вилоятида олиб борилаётган ишлар мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Негаки, вилоятда паст рентабелли ва зарар билан ишлаётган корхона ва объектиларнинг мулкдорларга инвестиция киритиш мажбурияти евазига тендер асосида бепул берилиши кўлга киритилаётган ютуқлар асоси бўлмоқда. Бу борадаги ишларнинг узлуқсиз ва сифатли бажарилиши эса давлатимиз раҳбари ва ҳукумати томонидан қабул қилинган бир қатор Фармон ва қарорлар дастуриламал вазибаларини ўтаётди. Хусусан, Президентимизнинг 2007 йил 20 июлдаги «2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари

ард сўмдан ошди. Натижада 424 та янги иш ўрни яратилди. Жумладан, «Қашқадарё-транс» уюшмасига қарашли қурилиши тугалланмаган «Тролейбус депоси» биноси 280 миллион сўмлик инвестиция киритиш мажбурияти билан берилди.

— Мулкдорлар учун яратилган бундай имконият ишлаб чиқаришнинг янги шакллари пайдо бўлиши ва кўплаб иш ўринлари яратилишига асос бўлмоқда, — дейди вилоят давлат мулки бошқармаси шартнома шартлари ва инвестиция мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш бўлими бошлиғи Гайрат Худойбердиев. — Ана шундай имкониятдан фойдаланган воҳа мулкдорлари зиммасига 7,9 миллиард сўм мажбурият инвестиция киритиш мажбурияти юкланган эди. Ҳозирга қадар бу кўрсаткич ортиги билан бажарилди, жалб этилган инвестиция ҳажми 8,1 милли-

ард сўмдан ошди. Натижада 424 та янги иш ўрни яратилди. Жумладан, «Қашқадарё-транс» уюшмасига қарашли қурилиши тугалланмаган «Тролейбус депоси» биноси 280 миллион сўмлик инвестиция киритиш мажбурияти билан берилди.

ция киритиш мажбурияти билан «Қарширадиатор» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасига 2 йил мuddатга тендер асосида бепул берилган эди. Инвестор томонидан қурилиш-таъмирлаш ишлари сифатли бажарилиб, хорижий замонавий технология линиялари олиб келиб ўрнатилди. Натижада бу ерда Навоий кон-металлургия комбинатидаги махсус техника воситалари ҳамда комбайнлар учун радиаторлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Утган йилдан бошлаб эса «Мерседес-Бенц», «Бео-Бёрт» автобуслари, «Хундай» микроавтбуслари, «Форд-Карга» русумли юк машиналари, «Ка-

ИМКОНИЯТ КЕНГАЙДИ, ДАРОМАД ОРТАДИ

Самарқанд туманидаги «Оҳалик Ломан парранда» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида товуқ ва насли жўжа етиштиришга мўлжалланган иккита янги линия ишга туширилди.

Бунинг учун «Ўзмиллибанк»дан олинган 208,4 минг АҚШ долларлик маблағ эвазига Украинадан 32 мингта товуққа мўлжалланган паррандачилик ускунаси сотиб олинди. Шунингдек, корхонанинг 576,8 минг АҚШ доллари миқдоридидаги ўз маблағи эвазига Германиядан келтирилган янги линияда айни пайтда 105 мингта насли жўжа парвариш қилинмоқда.

Бундай янгиланишлар «Оҳалик Ломан парранда»нинг ички бозорга сифатли пархез маҳсулотлари ҳамда паррандачилик корхоналарига насли жўжалар етказиб беришдаги имкониятларини янада кенгайтирди.

С. АБДУРАСУЛОВ.

матцу» бульдозерлари учун ҳам радиатор ишлаб чиқарила бошлади. Бу жараёнда, айниқса, маҳаллий хом ашёдан фойдаланилаётгани диққатга сазовордир. Айни пайтда кор-

ида инвестор томонидан бино мукамал таъмирланди, зарур технология ускуна ва дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Ишлар тезда юришиб, 14 кишилик жамоа бугунга қадар 753,8 миллион сўмлик полиэтилен қувур маҳсулотларини бюртмачиларга етказиб берди.

— Қарши — Бешкент йўлидаги қурилиши тугалланмаган «Бекат савдо дўкони» биноси 2 йил бурун 64 миллион сўмлик сармоя сарфлаш эвазига тендерда ютиб олган эдик, — дейди тадбиркор Фарход Тошпўлатов. — Шу йиллар давомида бинони капитал таъмирлаб, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш цехи, ошхона ва бошқа маданий-маиший хизмат турларини йўлга қўйдик. Ҳозиргача ушбу объектга 100 миллион сўм миқдоридида инвестиция киритишга муваффақ бўлдик. Унга яқин кишини мунтазам иш билан таъминладик. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш, хизмат ва ишлаб чиқаришнинг янги турларини жорий этиш ниятидамиз.

Қисқа қилиб айтганда, хусусийлаштириш жараёни воҳада янги-янги маҳсулот турлари ўзлаштирилиши ва қўшимча иш ўринлари яратилишига, пировардида вилоят иқтисодиётининг янада юксалиб, аҳоли турмуш фаровонлиги ортишига хизмат қилаётди.

Фахриддин БОЗОРОВ.

